

19_2200/3400 - СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Тошкент ш.

2022 йил "05" 01

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил "30" декабр 27-01-14/6019 -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг ТШТТ филиали директори Рустамов Ф.Ш. (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва **OLIY TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH TADQIQOTLARI VA ILG'OR TECHNOLOGIYALARNI TATBIQ ETISH MARKAZI** номидан (Устав, Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи **Абулбоб Ширкат - Юридик Ширкати** (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда) Томонлар телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий тақлифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептнини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк кун** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир юз) фоиз** миқдорда олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ хар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) **3600 000**
(**Уч миллион олтми юз сизин**) сўми ташкил этади. Ушбу сумма
3600 000 (бюджет ташкилоти рақамлари ҳисобидан) сўм
Абонент тўловини ҳамда **3240 000 (бюджетдан ташқари рақамлари ҳисобидан)** сўм
марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида хар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк кун** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига хизматлар кўрсатиш учун старли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда хар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун истамаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойнанинг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ хар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Хар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш кун** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

т/р	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдори	15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
I. Бир марталик тўловлар					
1.2	Ҳар бир уланиш нуқтаси учун рўйхатдан ўтказилган тўлови (ETHERNET технологияси бўйича)	-	Нархнома	-	-
II. Ҳар ойлик абонент тўловлари					
	Абонент тарифи Corporate-7				
2.1	Абонент тўлови	1 000 000,00	Нархнома	2	2 000 000,00
2.2	Абонент тўлови Стат.ІР учун	20 000,00	Нархнома	1	20 000,00
	Жами (олдиндан тўлов)				2 020 000,00

Жами олдиндан тўлов миқдори 2 020 000,00 (икки миллион йигирма минг) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдориди.
 Шартноманинг умумий миқдори 6 000 000 (Олти миллион сўм) сўмни ташкил этади. Ундан 2 020 000,00 (икки миллион йигирма минг) сўм миқдориди ойлик абонент тўлови.

ОПЕРАТОР:
 "Ўзбектелеком" АК
 — филиали

АБОНЕНТ:

OLIY TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH TADQIQOTLARI VA
 ILG'OR TEXNOLOGIYALARNI TATBIQ ETISH MARKAZI

OLIY TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH TADQIQOTLARI
 VA ILG'OR TEXNOLOGIYALARNI TADBIQ ETISH MARKAZI
 100060, TOSHKENT SH., SHIFONUR KO'CHASI, 75-UY.
 TEL: 246-04-00
SH/R: 400110860262807096300079002
STIR: 201 654 145 XXTUT: 92200
 MOLIVA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI, STIR: 201 422 919
 MB ВДХКМ TOSHKENT SH. MFO: 00014
M/R: 2340 2000 3001 0000 1010

Оператор номидан:

Директор
 м.ў.

